Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 14 июль, чоршанба # 29 (93)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил этилганлигига икки йил тўлди. Мамлакатимизнинг турли сарҳадларида фаолият кўрсатаётган божхоначилар бу санани касб байрами сифатида нишонладилар.

Суратларда: Давлат божхона қўмитасининг янги биноси; божхона фаолиятидан лавҳалар.

А.МАМАТҚУЛОВ олган суратлар.

• *Хабарлар*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойиш қабул қилди. Бу Фармойишга кўра 1999 йил июл ойида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатилади.

***

Вазирлар Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Хушёрликка даъват» номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Ташаббус гуруҳининг мажлиси Президентимизнинг шу китобида кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

(Матбуот хабарлари асосида тайёрланди)

• *«Ҳуқуқ»қа жавоб келди*

«АДОЛАТ ТАРОЗИСИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?»

Газетамизнинг шу йил 17 феврал сонида ушбу сарлавҳа остида берилган шикоят хатига (муаллифи Р.Ўразбоева) нисбатан жавоб олдик.

Қуйида Тошкент вилоят судининг раиси Н.Рустамов имзоси қўйилган жавоб хатини айнан келтирамиз.

«Тошкент вилоят суди томонидан фуқаро Р.Ўразбоеванинг укаси Ўразбоев Ҳасанга оид жиноят иши бўйича «Қонун ҳимоясида» журнали муҳарририятига ёзган аризаси жиноят иши билан биргаликда назорат тартибида текшириб чиқилди.

Тошкент вилоят Ангрен шаҳар судининг 1998 йил 14 декабр кунидаги ҳукмига кўра Ўразбоев Ҳасан Худойберганович ЎзР ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони умумий тартибли колонияда ўташлик белгиланган.

Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1999 йил 2 февралдаги ажрими билан Ангрен шаҳар судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган. Ҳ.Ўразбоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг 6-моддаси «а» бандини қўллаб, унга ўташлик учун белгиланган жазо 1/2 қисқартирилиб, ўташлик учун 1 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра маҳкум Х.Ўразбоев жиноятдаги шериги А.Эркабоев билан 1998 йил 25 сентябр куни соат тахминан 14.00ларда жамоат жойида жабрланувчи У.Анарқуловни уриб, соғлиги бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказиб, безорилик қилганлар.

Маҳкум Х.Ўразбоевнинг содир этган жиноий ҳаракати ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб тергов ва суд мажлисида берган кўргазмалари билан ҳамда ишдаги жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмалари, шу билан бирга, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси ва бошқа иш бўйича тўпланган материаллар билан ўз исботини топган деб биламан. Унинг содир этган жиноий ҳаракати суд томонидан тўғри малакаланиб, жазо ҳам қонун доирасида тўғри белгиланган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Ангрен шаҳар судининг 1998 йил 14 декабрдаги ҳукмини ва вилоят судининг 1999 йил 2 феврал кунидаги ажримини ўзгартириш ёки бекор қилишга асослар йўқ деб ҳисоблайман.

Н.РУСТАМОВ,
Тошкент вилоят судининг раиси

ТАҲРИРИЯТДАН: ***Ҳасан Ўразбоевга суд томонидан тайинланган жазонинг қонунийлигини шубҳа остида қолдирмоқчи эмасмиз. Р.Ўразбоева ҳам ўз хатида вилоят судининг ажрими билан келишганини маълум қилган. Бироқ мазкур жавоб қайсидир жиҳати билан бизни тўла қаноатлантирмаганини айтмоқчимиз, холос.***

Чунки, унда фуқаро Р.Ўразбоеванинг ушбу саволларига жавоб йўқ: «Тўғри, шикоятимиздан сўнг, вилоят суди укам Ҳасан Ўразбоевнинг ишини қайтадан кўриб чиқди ва амнистия қўлланилиб, жазонинг маълум қисми қисқартирилди. Аммо Ангрен шаҳар суди ишни ўз вақтида тўғри ва холисона кўрганда эди, суд жараёнидаёқ амнистия қўлланилиб ҳукм ўқилган бўлур ва укамнинг соғлигига путур етмаган бўлур эди. Қизиқ, булар нима учун Президентимиз эълон қилган амнистияни қўллашмади ёки уларга бу ҳужжатнинг аҳамияти йўқми?»

Шу ўринда бизни ҳам айнан шу савол қизиқтиради. Ангрен шаҳар суди нима учун Ҳ.Ўразбоевга нисбатан амнистияни суд жараёнида қўлламаган?

МОҲИЯТ

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

Ислом КАРИМОВ

УШБУ СОНДА

НОМИ БОРУ, ЎЗИ ЙЎҚ...
Маблағ йўқлигини баҳона қилиб, ёшлар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйишни оқлаб бўладими?
5 бет

ҲАМДИ АЯНИНГ ДАРДЛАРИ
Изтиробли мактуб
7 бет

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ
Ҳажвия, кроссворд, ҳандалак
8 бет

«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» танловига



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги олдидан

Ҳабиб САЪДУЛЛА

ДУРАДГОРДАН ЧИҚҚАН ПРОКУРОР

(очерк)

Ўсмирлик пайтида одамнинг хаёллари учқур бўлади, ҳавослари эса бесаноқ... Ҳали у касб қизиқ туюлса, ҳали бу ҳунар ўзига жалб этади. Тўққиз фарзандининг кенжаси бўлган Валижон мактабда биноийдай ўқиб турган эди. Саккизинчи синфни битиргач, бирдан дурадгор бўлгиси келиб қолди. Наманган мебель фабрикасига шогирдликка ишга келиб, кечки мактабда ўқиш истагини билдирди.

Кўпни кўрган Набижон ака Раҳимбоев ўзи ҳам деҳқончилиғу молия ходимлиги, ошхона мудирию сут-мой заводи экспедитори бўлиб ишлаган. Қолаверса, катта ўғиллари Насимжон - такси ҳайдовчиси, Анваржон билан Одилжон оддий ишчи, фақат Ғанижон - Тошкент милиция мактабида ўқиб, паспорт столида ишларди. Кенжалар одатда эркароқ бўладилар. Табиатан ота-оналар ҳам уларнинг раъйини қайтаришмайди. Опалари Онахон, Қундузхон, Ойнахон, Ўктамхонлар ҳам укаларининг эркаликларига ўрганиб қолишгани учун оталарининг «майли, йигитга қирқ ҳунар оз» деганлар, ҳунар ўрганса ўргансин, ўқийман деса кечки мактабни битириб ҳам ўқишга кираверади», деган гапларига ҳайрон бўлишмади.

Шундай қилиб, 1966 йилда Наманғандаги 7-ўрта мактабнинг кечки 10-синфини битирган Валижон етуклик аттестати олиш билан бирга ҳам дурадгорлик касбига, ҳам икки йиллик меҳнат стажига эга бўлди. Ўша йиллари (ундан олдин ҳам, кейин ҳам) кечки мактабларда ўқиганларга муносабат бошқачароқ бўларди. Уларнинг билим ва савияси кундузги бўлимларни битирганлардан камроқ бўлади, деган қарашлар бор эди.



Ҳолбуки, билимга интилиш қанақа бўлимда ўқиш билан эмас, балки ўқувчининг иштиёқи билан белгиланади. Боз устига, ишлаб чиқаришда орттирилган ҳаётий тажриба ёшларда ҳаётга муносабатни ҳам шакллантиради. Умр йўлларида мустақил бўлишга ўргатади.

Валижон ҳам ота-онасидан йўлкираю, кириш имтиҳонлари давридаги эҳтиёжлари учун пул сўрамай, ўз жамғармаси билан Тошкентга - университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириш учун келди. Ҳам билимини, ҳам омадини синаб кўрмоқчи бўлди.

Бахти чопиб, ҳар бир ўринга ўнлаб даъвогарлар бўлгани ҳолда имтиҳон ва танловлардан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлиб қолди.

Ишлаб чиқаришда орттирилган тажриба, интизом, масъулият ҳисси ўқишда қўл келди. У яхши билим олиш билан бирга касб сирларини эгаллашга интилди. Университетни тугатиб, Узоқ Шарқда икки йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаб, 1973 йилда ота-она бағрига қайтди.

Мана, шунга ҳам йигирма олти йил бўлибди. Олти ойгина адвокатура тизимида ишлаган Валижонни прокуратура тизимига ишга таклиф этишди - Норин тумани прокуратурасига терговчи вазифасига ишга юборишди.

Терговчилик одамдан синчковликни, кўп фикрлашни талаб қиладиган иш. Қолаверса, ҳар бир воқеа-ҳодисани ҳам мантиқан, ҳам ҳаётий тарзда далиллаш лозим. Чалкаш ишлар, чалкаш кўрсатмалар орасидан ҳақиқатни топиб олиш керак. Криминалистик заковат ҳам лозим бу ишда. Прокуратура соҳасидаги илк устози - ўша пайтда туман прокурори бўлиб

(Давоми 6-бетда).

• *Мустақиллик ва прокуратура*

АДОЛАТ - ЭНГ



Адлия кичик маслаҳатчиси Нурмуҳаммад Қурбонов - 1963 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1986 йили Тошду ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Жалолқудуқ, Избоскан, Андижон ва Хонобод шаҳри прокуратураларида ишлаган. 1998 йилнинг январь ойидан Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари.

- Нурмуҳаммад Турсунович, кейинги пайтларда прокуратура идораларида ходимларнинг ҳам иши кўпайди. Демократик давлат барпо этишда, мамлакатда юз бераётган янгиланишлар ва ўзгаришлар даврида барчанинг қонунларга ҳурмат билан қарашида прокурорларнинг ҳам роли катта. Ҳеч ким жамият ва давлатдан ташқарида ҳаёт кечира олмаганидек, қонунларсиз яшаши мумкин эмас. Шундай эмасми?

- Инсоннинг касбига, ўз ишига садоқати, меҳри ҳамма нарсадан устун деб ўйлайман. Баъзан содир этилган жиноятларни аниқлаш, адолатни тиклаш борасида ариза, шикоят билан ҳузурингизга келган инсоннинг чигал тақдирига ёрдам бериш учун тунни тонгга улаб ишлашга, изланишга, кўтарилган масалани ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Ўзини ташвишлардан, ноҳақликлардан қутқарган прокурорга миннатдорчилик билдириб, остонангиздан севинч ёши билан чиқиб кетаётган инсонни кўрганингизда умрингиз бесамар ўтмаганлигини ҳис қиласиз. Бу сизга касбий ҳузур бағишлайди. Гоҳида ҳузурингизга аризачи жаҳл аралаш кимлардандир ноҳақлик кўриб, ранж билан келади-да, Сиз прокурорсиз, мени ноҳақликлардан қутқаринг, дейди сиздан нажот истаб. Шунинг учун ҳам прокурорнинг аралашмаган иши, шуғулланмайдиган соҳаси йўқ. Кейинги йилларда иш-ташвишларимизнинг кўпайгани табиий ҳол, чунки биз ҳуқуқий давлат пойдеворини яратаяпмиз. Мақсад қонун устуворлигини таъминлашдир. Ҳар қандай можаро, ҳар қандай низо, келишмовчиликларнинг ечими охир-оқибат қонунга келиб тақалади. Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳаттиҳаракатга фақат қонуний баҳо берилмоғи лозим. Қонун фуқароларнинг хавфсизлигини, шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкини, дахлсизлигини таъминловчи қўрғондир. Прокурорлар эса ана шу қўрғоннинг посбонларидир.

- Маълумки, 1999 йил аёллар йили деб эълон қилинди. Бу оила йилининг узвий давоми бўлиб, мақсад инсонлар турмуш шароитини яхшилаш, хотин-қизларга имтиёз яратиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш орқали барқарорликка эришишдир. Бу каби эзгу ниятларнинг рўёбга чиқиши маълум даражада прокуратура идораларига ҳам боғлиқ.

- Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан вақти-вақти билан текширишлар ўтказилиб турилибди. Бу масалалар вилоят прокуратурасининг жорий йил биринчи ярми учун белгиланган иш режасига киритилган эди. Ушбу давр мобайнида маҳкамамизга мурожаат қилган хотин-қизларнинг мурожаатлари ижобий ҳал қилинди. Мен шу ўринда мисолларга мурожаат қилмоқчиман: Марҳамат тумани «Ўқчи» пахта тозалаш заводи котибаси З.Аҳмадалиева штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилган. Маълумки, Меҳнат Кодексининг 102-мод-дасининг 1-бандида иш берувчи ходимлар сонининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида камида 2 ой олдин ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт, деб аниқ кўрсатиб қўйилган.

• *Афсус*

КИМДИР ТИРНОҚҚА ЗОР...

Зарафшон шаҳрида истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишламайдиган 28 ёшли Анна Сумарокованинг тақдири гиёвандликка ружу қўйиши туфайли чилпарчин бўлди. Оиласидан ажралди. У муқаддам икки марта гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш жиноятини содир қилганлиги учун судланган эди. Унинг 7 ва 3 ёшли қизлари Дарья билан Алёна суднинг ҳал қилув қарорига биноан фуқаро В. Захарова қарамоғига олиб берилди.

Бундан тегишли хулоса чиқармаган, оналик бурчини тамоман унутиб юборган Анна ижтимоий фойдали меҳнат қилиш ўрнига «Ҳали ёшман, ўз вақтичоғлигимни ўйлай» қабилида ҳар ерларда тентираб юрди, суднинг талабларини бажаришни хаёлига ҳам келтирмади. Ваҳоланки, А. Сумарокова барча ишлаб топган даромадининг учдан бир қисмини нафақа тариқасида қизларининг моддий таъминоти учун тўлаши лозим эди. Бемеҳр онанинг 16 ой давомида фарзандлари олдидаги қарзи 12 минг сўмни ташкил қилди.

Оқибатда тараллабедод она яна суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. А. Сумарокова моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун айбланиб, 6 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Тўланмаган нафақа суммаси эса ундириладиган бўлди.

Бундайларга беихтиёр «Хайф сизга, оналик, аёллик», дегинг келади.

Рустам ОРЗИЕВ,
Зарафшон шаҳар судининг судьяси



ЮКСАК ТУЙҒУ

Аммо, З.Аҳмадалиева мазкур талабга риоя этилмасдан, огоҳлантирилмасдан вазифасидан олиб ташланган. Вилоят прокуратураси аралашувидан сўнг З.Аҳмадалиеванинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланиб, мажбурий ишга келмаган кунлари учун 10842 сўм ундириб берилди ва унинг ҳуқуқлари тикланди.

Худди шунингдек, Баликчи тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Алам қишлоғида яшовчи Дилфузахон Хатамова ҳам туман электр тармоғида 1-даражали назоратчи вазифасида ишлаб юрган вақтида ноқонуний ишдан бўшатилган. Унинг ҳам аризаси ижобий ҳал этилиб, ишга қайта тикланди. Кўриниб турибдики, мақсадимиз инсонларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Кенг жамоатчилик билан прокуратуранинг ҳамкорлиги, мақсад сари дадил интилиш муваффақиятлар гаровидир.

- «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан буён орадан бир мунча вақт ўтди. Вилоятда мазкур қонуннинг ижроси қандай кечмоқда?

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятимиздаги фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши кўрсатиб ўтилган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 1994 йил 28 сентябрь куни «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш тўғрисида»ги буйруғи чиқарилган.

Ушбу буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси, шаҳар, туман прокуратураларида талай ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят прокуратура идораларига фуқаролардан 1500 дан зиёд ариза ва шикоятлар тушди. Уларнинг ижобий ҳал этилиши қатъий назорат остида бўлди. Бундан ташқари аҳоли ўртасида очиқ мулоқотлар ташкил қилиниб, кўтарилган айрим масалаларни жойида ҳал этишга эътибор қаратилди.

Андижон шаҳрида жойлашган 63 та маҳалла фуқаролар йиғинларига прокуратура ходимлари мунтазам равишда чиқишиб, фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб бормоқда.

Бироқ, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлашга жиддий муносабатда бўлиш давр талаби даражасида эмаслиги кузатилмоқда.

Андижон шаҳар уй-жойлардан фойдаланиш бўлими ходимлари фуқароларнинг талабларини ҳал этишда сансалорликка йўл қўйишган. Р.Қодирова ва З.Ҳасановнинг уй-жой масаласини ҳал этишга ёрдам бериш хусусида ёзган аризалари тўла текширилмаган ва муаллифларга ёзма жавоб берилмай қонун талаби бузилган.

«Ризқ» ҳиссадорлик жамияти бўлим бошлиғи Г.Тиллаеванинг ноқонуний ишдан бўшатилганлиги хусусида ёзган аризаси вилоят касаба уюшмасининг ҳуқуқшуноси А.Аҳмаджонов томонидан 5 ой муддат ичида ҳал этилган.

Яқинда вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоятдаги барча мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси қандай бажарилаётганлиги юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди. Унда бу борадаги қонунбузилишлар ва уни бартараф этиш бўйича масъул идора раҳбарларининг ҳисоботлари муҳокама қилинди. Келгусида мазкур қонун ижроси юзасидан қилиниши лозим бўлган масалалар келишиб олинди.

- Кейинги пайтларда «Ҳуқуқшунос маънавияти» деган ибора пайдо бўлди. Сиз мутахассис сифатида бунга қандай қарайсиз?

- Мустақиллик ҳар биримизнинг ҳаётимизга янгича руҳ бахш этди. Барча соҳалар қатори прокуратура тизимида ҳам кўпгина ижобий ишлар қилинди ва бу давом этмоқда. Энг асосийси, қонунларимиз жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган даражада қайта ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди. Буни мен мустақиллик шарофати деб биламан. Бугунги прокурор илм даражасида ҳам, фикрлашда ҳам олдингилардан тубдан фарқ қилади. Бир сўз билан айтганда, «Ҳуқуқшунос маънавияти» деган сўз ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, менимча. Бугунги терговчи, прокурор, судья, милиция ходими нафақат ўз соҳасининг чуқур билимдони, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук инсон бўлиши шарт. Бу замон талаби. Қалбида, Ватанга, халқига меҳри бўлмаган ҳуқуқшуноснинг жамиятга наф келтиришига ишониш қийин. Бу ҳақда кўп бор ўйлайман. Ҳар гал шу ҳақда фикр юритганимда юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Агар одам охиратдан кўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда уни ҳайвондан фарқи қолмайди», деган сўзлари тез-тез ёдимга тушади. Айтмоқчиманки, маънавиятсиз ва таъмагир кимсалар учун прокуратура тизимида ўрин бўлмаслиги керак. Ҳозирги вақтда мустақил мамлакатимизда 300 дан зиёд янги қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Қонунларнинг ижросини назорат қилиш учун ходимларимиз тинмай ўқиши зарур деб ўйлайман. Чунки, аввало ходимлар онгига қонунларнинг мағзини сингдирмасдан туриб, унинг ижросини назорат қилиш оғир кечади. Бунинг учун ходимда малака, касбга фидойилик туйғуси билан бирга маънавият, чуқур мафкура бўлмаса ишлаши қийин. Бир сўз билан айтганда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий демократик жамият - бу тўрттала ибора ҳамоҳанг жойда барча эзгу-тилаклар рўёбга чиқаверади.

Афсуски, ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун дадил қадамлар ташланаётган бир пайтда гуруч курмаксиз бўлмаганидек, одамлар орасида жамиятимиз равнақини кўролмайдиган манқуртларнинг борлиги соғлом фикрли кишиларимизнинг юрагини оғритади. Инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган, адолатли демократик давлат барпо этаётганимизни кўра олмайдиганлар Президентимизнинг сиёсатига, Конституциявий тузумимизга қарши бориши сира кечирилмас ҳолдир. Шу йилнинг 16 февралидаги Тошкент воқеаларини содир этишда қатнашган «Ваҳҳобийлик», «Хизбут-таҳрир» сингари диний оқимларга ўралашиб қолган кимсаларнинг аксарияти қилган ишларидан пушаймонда. Улар тавбаларига таяниб ўз халқи олдида бош эгиб кечирим сўрояптилар. Вилоятимизда ана шундай шахслардан бир қанчаси хато йўлга адашиб кириб қолганлигини, ўз ғояси ва ақидапарастлигидан жуда хижолатда эканликларини айтяптилар. Мен тавба-тазарру қилаётганларнинг икрорларини тинглаб, Президентимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган қуйидаги фикрларини ҳамма юрагига жо қилиб олишини истардим. ***«Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларини шакллантириш, жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриш керак».***

Суҳбатдош: О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири

(«Ҳуқуқ» газетаси учун махсус тайёрланди)

• *Ҳар бир ариза назоратда*

Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари томонидан «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ва бу қонун ижроси устидан прокурорлик назоратини кучайтириш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йилдаги 17-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, фуқаролардан келиб тушган ва қабулда олинган ариза ва шикоятларнинг ўз вақтида сифатли кўриб чиқилиши ҳамда ҳал этилиши учун бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ҚОНУНИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Кейинги вақтда фуқаролар прокуратура органларига кўпроқ ҳар хил қонунбузарликлар тўғрисидаги ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилмоқдалар. Бу эса тегишли ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, корхона ва ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятлари қонуний ва белгиланган муддатда кўриб чиқилиши таъминланмоётганлигини билдиради. Биз ҳар бир шикоятни синчковлик билан ўрганиб, қонуний чоралар кўрилишини таъминламоқдамиз.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан фуқаро А.Мавлютованинг аризаси кўриб чиқилди. Аниқланишича, А.Мавлютова ўзининг Мирзо Улуғбек тумани Феруза-2 мавзеси, 17-уйда жойлашган хонадонини Х.Қосимов воситачилигида фуқаро Т.Тишинага сотган. Х.Қосимов А.Мавлютовага бошқа уй олиб беришни ваъда қилиб сотилган уйнинг пулини олган, лекин ваъдасини бажармай ундан яшириниб юрган. Х.Қосимовнинг ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан фуқаролар Р.Челялетдинова ва Г.Халиковалар ҳам ариза билан Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилганлар.

Прокуратура томонидан ўтказилган чуқур текширувлар натижаси бўйича шу йилнинг 13 майида Х.Қосимовга нисбатан



жиноят иши қўзғатилди.

1999 йил 21 май куни 1-гуруҳ ноғирони С.Гельман ва нафақахўр Р.Гельманлар Тошкент шаҳар прокурори қабулида бўлиб, пойтахтнинг Юнусобод туманида жойлашган «Чоштепа» бозорида ўзларига тегишли айрим молларни сотиб ҳаёт кечираётганликларини, лекин бозор маъмурияти уларнинг молларини сақлашлари учун шароит яратиб бермаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, ёрдам беришни сўрашган. Тошкент шаҳар прокурорининг топшириғи асосида «Чоштепа» бозор раҳбарияти билан биргаликда ариза ўша жойнинг ўзида текширилди. Натижада аризачилар илтимоси ижобий ҳал қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, умид билан шаҳар прокуратураси қабулига келган ҳар бир фуқарога қонуний ёрдам кўрсатилиши таъминланмоқда.

Б.МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўйича катта ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.
Н.ҲАМИДОВА, жамоатчи мухбир

• *Муносабат*

«ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НИМА?»

Оғзаки нутқимизда - ҳуқуқ сўзининг олдига ҳақ сўзи қўшилиб, «ҳақ-ҳуқуқ» тарзида талаффуз қилинади. Бу икки сўз тилимизга бир неча аср олдин кириб келган ва аллақачон лексик қатламимиздан ўрин олиб луғат бойлигимизга айланган бўлса-да, нимагадир 60.000 сўздан иборат II томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритилмаган. Тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса ҳар икки сўз битта ўзакдан ташкил топган бўлиб, «ҳуқуқ-ҳақ»нинг кўплиги ва унинг ўзбек тилига изоҳли таржимаси «Биз яшаб турган жамиятдан олишимиз мумкин бўлган улушларимиз», умуман ҳуқуқшуносларнинг эса шу улушларнинг тўғри тақсимланишини ва улардан тўғри фойдаланишни назорат қилувчиларидир.

Шу сабабли республикамиз фуқаролари конституциявий ҳуқуқларини қай даражада билишади, умуман уларда ҳуқуқий маданият қандай шаклланган, деган саволлар билан турли касбдаги, турли ёшдаги кишиларга мурожаат қилдик. Суҳбатдошларимизга олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни бермадик. Суҳбат асносида уларга тополмаётган сўзларига қарашиб ҳам юбормадик. Савол-жавобимиз, мутлақо табиий равишда кечди. Суҳбатимиз ҳуқуқий маданият ҳақида бўлса-да, уларни кўпроқ эшитиш мақсадида «орган ходимларига муносабатингиз» деган саволни ҳам қўшдик:

Сурайё ЧИНПУЛАТОВА,
ТошДУ журналистика факультети аспиранти.

- Ҳуқуқий маданият нима?

- Фуқаронинг жамият аъзоси сифатида эга бўлган ҳуқуқий имкониятлари ва улардан қай даражада фойдалана билиши.

(Давоми 5-бетда).

• *Бизнинг суҳбат*

«МАҚСАДИМИЗ - ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!»

- Давлат автомобиль назорати йўналишида ҳаракат хавфсизлиги ойликларини ўтказиб туриш анъанага айланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, йўлларда бахтсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бироқ, ушбу тадбир ойлари ўтгандан сўнг қоидабузилишлар содир этилиши яна кўпайиб қолади. Сизнингча, бунинг сабаби нимада? Бундан ДАН чилар бошқа ойларда назоратни сусайтириб юборишади, деган фикр келиб чиқмайдими?

Маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш Давлат автомобиль назорати ходимларининг зиммасига катта масъулият юклайди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай, хатто ёмғирли, корли кунларда ҳам ўз постларида сергак турган ДАН ходимларининг машаққатли меҳнатларини тан олмай илож йўқ. Аммо, кейинги пайтда ушбу тармоқ ходимлари орасидаги таъмагирлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш каби ҳолатларнинг пайдо бўлаётгани ачинарли ҳолдир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Ва умуман, бугунги кунда ДАН тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш ишлари ҳозирги замон талабига жавоб берадими?

Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошкармаси бошлиғи Асадулла ҲАМИДУЛЛАЕВ билан бўлган суҳбатимиз ана шу мавзуга қаратилди.



- Агар бундай фикрга келинадиган бўлса хато бўлади, деб ўйлайман. Чунки вилоят Давлат автомобиль назорати бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ходимларининг бош мақсади - йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, остона ҳатлаб кўчага чиққан ҳар бир фуқаронинг яна уйига соғ-саломат кириб боришини таъминлашдан иборат.

Келинг, фурсатдан фойдаланиб, бу борада 1998 йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳақида мулоҳаза юритайлик.

Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортган бўлса-да, вилоятимиз миқёсида бу борада мўътадиллик сақланиб қолди. Аммо, ҳайдовчилар айби билан рўй берган автофалокатлар туфайли жароҳатланганларнинг бироз кўпайганлиги бизни ташвишлантиради. Жумладан, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда рул бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиши ДАН ходимларини туну кун машаққат билан хизмат ўташга ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилишга ундади. Мисол учун, таҳлил асосида йўл-транспорт ҳодисалари ўчоғи деб топилган «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғидан ўтувчи қисмида транспорт ҳаракатини ажратувчи тўсиқларнинг ўрнатилиши, тунги вақтда ёритилиши туфайли ҳаракат хавфсизлиги таъминланди.

Бевосита саволингизга келадиган бўлсак, бизга бу каби саволларни жуда кўп марта беришади. Сабаби - ойлик ўтказиладиган вақтда оммавий ахборот воситалари тадбирни кенг кўламда ёритиб боришади. Ҳар хил чақириқлар, плакатларни кўчаларимизда кўплаб учратиш мумкин. Ойлик ўтгач эса оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар, умуман, кенг жамоатчилик ўз-ўзидан ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тадбирларидан четга чиқиб оладилар. Аслида бу маълум бир кишиларнингина эмас, балки барчанинг ишидир.

- Кейинги пайтда матбуот саҳифаларида ДАН ходимларининг хизмат маданиятига нисбатан эътирозли, танқидий чиқишларни учратиб қоламиз. Бунинг сабаби ва вилоят ДАН бошқармасида ходимларнинг хизмат мада-ниятини ошириш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

-Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситаларида ДАН ходимлари тўғрисида бир қатор танқидий мақолалар чоп этилди. Мен албатта, бу мақолаларда келтирилган фикрларни сира инкор қилмайман. Чунки оз бўлса-да, сафимизда нопок, ўз хизмат вазифасига нолойиқ кишилар ҳам учраб туради. Лекин шуни унутмаслик керакки, бир ёки бир неча нопок кимса жамоатда муҳитни белгиламайди. Ҳар қайси жамоада юзлаб софдил, ҳалол хизмат қилаётган ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Агар биз бир таъмагир журналист ёки мухбирни кўриб, барча ижод аҳли ҳақида шундай фикрга борсак қалтабинлик қилган бўламиз. Шоли курмаксиз бўлмайди. Ҳозирги кунда ходимларнинг хизмат маданиятини ошириш мақсадида якка тартибда ишлаш ва маърифат дарсларини ўтказиш йўлга қўйилган.

- Шу кунларда барча ҳуқуқ-тартибот идораларида лавозимига нолойиқ, нопок кимсаларни вазифасидан четлатиш юзасидан кескин чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ДАН тизимида ҳам шундай тадбирлар ўтказилганидан хабаримиз бор. Унинг натижалари тўғрисида сўзлаб бера оласизми?

-Юқорида айтиб ўтганимдек, сафимиздаги нопок кимсаларни аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўриш мақсадида ошкора ҳамда пинҳона текширувлар ўтказилмоқда. Яқинда ходимлар навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилди. Унинг натижаларига кўра 46 та ходим ўз хизмат вазифасига нолойиқ деб топилди.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу фактларни рўй-рост, очиқ айтишимиздан асосий мақсад, ҳамма билиб қўйсинки, бундан кейин ҳам сафимизни нопок ходимлардан тозалаш ишлари қатъийлик билан давом эттирилади. Кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш ишига тўғаноқ бўлаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан муросасиз чоралар кўрилади.

- Сўнгги пайтларда енгил автомобиллар сони кескин равишда ортиб бораётир. Гавжум шаҳар кўчаларида автомобилни бошқариш қийин бўлиб қолди. Айни пайтда айрим ёшларимиз турли автомактабларда нари-бери ўқишиб, ҳайдовчилик гувоҳномаларини олишмоқда. Бу ҳам бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаяптимикан?

- Фикрингизга қўшилмай илож йўқ. Шу нарса шахсан мени қаттиқ ранжитади ва изтиробга соладики, айрим фуқаролар билиб туриб ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаётини хавф остига қўядилар. Дейлик, техник носоз транспорт воситасидан фойдаланиш, қаттиқ чарчоқ ёки мастлик таъсирида рулга ўтириш, тезликни меъёрдан ошириш, светофорнинг таъқиқловчи чироғи ёниб турганда ҳаракатланишни давом эттириш ва бошқа қоидабузарликлар фалокат сари онгли равишда қўйилган қадам эканлигини яхши билсалар-да, етарлича эътибор бермайдилар, шундай номақбул хатти-ҳаракатлардан воз кеча олмайдилар. Юқорида айтилган автофалокатларнинг туб илдизлари ҳам айнан ана шу иллатлар билан боғлиқ.

Олиб борилган таҳлилларга кўра, шу йилнинг ўтган 4 ойи давомида ҳайдовчилар томонидан 126363 та, пиёдалар томонидан 9440 та қоидабузарлик содир этилган. Мана шу рақамлардан кимлар томонидан кўпроқ қоидабузарлик содир этилаётганлигини билиб олиш мумкин. Энди ёш ёки кўп йиллардан бери автомобиль бошқараётган ҳайдовчиларга келсак, фалокат оёқ остида. Бу борада шуни айтиш мумкинки, айрим йўл ҳодисаларининг содир этилишида ёш ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, тажрибали ҳайдовчиларнинг эса ҳаддан зиёд ўзларига ишониш ва автомобилни писанд қилмай бошқариш сабаб бўлади. Саволингизга жавобан яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, вилоятимиздаги барча автомактаблар ДАН назоратида. Жумладан, вилоятдаги 48 та автомактаб шу кунгача 67 маротаба текширилди, 2 та автомактаб ёпиб қўйилди.

- Айтайлик, ДАН ходими транспорт ҳайдовчисига тўхташ ишорасини берди. Шундан сўнг ДАН ходими ва ҳайдовчининг ҳаракатлари қандай бўлиши керак?

- Аввало, шуни айтишим керакки, ДАН ходими белгиланган қоидага кўра, ҳеч бир транспорт воситасини бемақсад тўхтатмайди. ДАН ходимининг тўхташ ҳақидаги ишорасини олган ҳайдовчи бошқа транспортлар қатновига ҳалақит бермай, автомобилни йўлнинг қатнов қисмидан четга олиб тўхтайди. Ҳайдовчининг автомашинадан тушиши ёки тушмаслиги муҳим аҳамиятга эга эмас. ДАН ходими ҳайдовчи олдига келиб, ўзини таништиради ва тўхтатишдан мақсадини билдиради. Агар қоидабузарлик содир этилган бўлса, белгиланган тартибда чора кўради.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ суҳбатлашди

ХАЗИНАДАГИ «БЕШ ҚАРОҚЧИ»

Нормўмин камомадини қандай қилиб тўлдиришни ўйлаб анча бош қотирди. Ва ниҳоят йўлини топди. Нормўминни нафс йўлига бошлаган жиғилдон «Кўкдала» халқ таълими бўлими мудири Ҳомид Бердиевда ҳам бор эди. Хазиначи ва бошлиқ ўртасида сирли иттифоқ тузилди. Шу куни у мактаб директори Алланазаровга «берилди», деб 26 минг 950 сўмни ҳужжат қилди ва бу қалбаки чиқим ордерига имзони ҳам ўзи қўйди. Бош ҳисобчи Эшқувват Қулмуродов ва мудир Бердиев бу сохта ҳужжатни мамнуният билан тасдиқлашди.

Мўмай фойда нафс ўпқонини очиб юборди. Энди бу ўпқонни ҳеч тўлдириб бўлмаслигини улар билмадилар. Биринчисида сал чўчиб турган мудир энди дадиллашиб, хазиначи Нормўминнинг елкасига қоқиб, бу сафар 52 минг сўмни ўзлаштириш лозимлигини тушунтирди. Нормўмин хонасига отилди. Назарида «Али бобо»дек нақ тилсимли бойликка дуч келган эди. «Сим-сим, очил» - деди ва ичкарига кириб, мактаб директори Ҳусанов номига рақамсиз, санасиз қалбаки ҳужжат тайёрлади. Имзо бу сафар ҳақиқий бўлди. Директор Шердон Ҳусанов иккиланмай ўзининг муҳим аҳамиятга молик имзосини чекди. Бундай сохта ҳужжатга 122-сонли мактаб директори Чори Тўлаганов ҳам «олдим» деб имзо қўйди. Улар бу ҳотамтойлигимиз учун мудир энди «мушугимизни пишт» демайди, деб ўйлаган бўлсалар, ажабмас. Нормўмин баъзи мактаб директорларини бир оғиз «огоҳлантирмасдан» ўз фаолиятини давом эттирди.

Уларнинг кайфиятини сезган Нормўмин бира тўла тўққизта мактаб директори номига қалбаки ҳужжат тайёрлади. Нақ 130 минг 655 сўм олингани ҳақидаги бу рўйхатларга ўзи бир бошидан эринмайгина, ҳафсала билан 9 хил имзо чекиб чиқди. Афсус, афсус, тафтишчи келганда Нормўмининг ранги оқариб кетди. Ўзини «Али бобо» эмас, унинг акаси Қосимдек ҳис этди. Нима бўлса ҳам Қосимнинг ахволига тушмаслик учун елиб-югуриб бу пулларни тўлаб қутулди.

Хазиначи Тўра Қурбонов хазинани бошқа усул билан «бошқарди». У ҳеч кимга билдирмай, мустақил ҳолда 1 миллион 101 минг 503 сўм миқдоридаги пулни рўйхат қилиб, унинг жамламасига 141 минг 599 сўмни қўшиб юборади ва ўзлаштиради. Аммо емоқнинг қусмоғи бор, деган нақлни унутиб қўяди. Бу наҳанглар жами 216 минг 973 сўм пулни ютиб, бироқ, ҳазм қилишга улгуролмадилар.

Нафс ўпқонига иккиланмай «калла» ташлаган Н.Диллаев (хазиначи), Ҳ. Бердиев (мудир), Ш.Ҳусанов (директор), Э.Қулмуродов (бош ҳисобчи), Т.Қурбонов (хазиначи)лардан иборат «беш қароқчи» қонун олдида жавоб беришди.

Қалқон АҲМЕДОВ,
Чироқчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси
Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист

• *Криминал*

БАРИБИР ҚЎЛГА ТУШДИ

Қаноат қилмаслик, бировнинг молига кўз олайтириш уларни эгри йўлга бошлаб, охири қора курсига олиб келди. Шимолий кон бошқармаси карьерларидан бирининг ишчилари М. ва А.нинг ойлик маошлари тирикчиликка етиб ортарди. Ношукур бандалар ўғриликни ўзларига касб қилиб олишди.

Хонадонларда содир этилган 15 та ўғирликнинг «хуснихати» бир хил эди. Бундан ташқари, битта ВАЗ автомобили ҳам ўғирлаб кетилганди. Тузилган тезкор-тергов гуруҳи аъзолари тўпланган фактлар, далиллар ва гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида пухта, малакали тадбир олиб бориб, бу «қўлга тушмас» ўғриларнинг изига тушишга муваффақ бўлишди. Ўғрилар асосан Петров, Шон-шараф ва Горная кўчаларида «иш» олиб боришарди. Кеча-ю кундуз барча кучлар ўғриларни қўлга туширишга жалб қилинди. Кўп ўтмай милиция ходимларининг бетиним олиб борган ҳаракатлари туфайли ўғрилар жиноят устида қўлга олиндилар. Шундай қилиб ўн олтинчи хонадондаги ўғирлик амалга ошмай барбод бўлди. А.нинг уйи тинтув қилинганда у ердан хонадонлардан ўғирланган кўплаб ашёвий далиллар топилди.

Ўғри А.ва унинг шериги М. қилмишларига яраша албатта қонунний жазо оладилар.

Аҳмад МИРЗАЕВ,
Учқудуқ туманлараро ИИБ терговчиси, милиция майори

«ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ НИМА?»

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

- Ҳуқуқий имкониятлар нима?

- Фуқаролар эга бўлиши мумкин бўлган нарсалар.

- Масалан...

- Фуқаролик ҳуқуқи. Журналистлик ҳуқуқи.

- Журналистлик ҳуқуқи нимадан иборат?

- Журналист «тўртинчи ҳокимият» вакили сифатида республика ҳудудидаги ҳар бир муассасадан ахборот олиш ҳуқуқига эга. У ўз соҳаси бўйича матбуот, сўз эр-кинлигидан фойдаланиб, далил ва исботга таянган ҳолда ижод қилиш ҳуқуқига эга.

- Ҳуқуқшуносликка оид адабиётлар нашри қониқтирадими?

- Ҳозирги кунда «Адолат» нашриёти бир қанча ҳуқуқшуносликка оид китоблар нашр этмоқда. Менинг фикримча, ҳар бир соҳанинг ўзига бағишланган адабиётлар нашр қилинса яхши бўларди. Масалан, врач ҳуқуқи, журналист ҳуқуқи, ўқитувчи ҳуқуқи ва бошқалар.

Маъмур ТОЖИБОЕВ, «Сувмаш» ишчиси:

- Шахсий ҳуқуқларингиз?

- Яшаш ҳуқуқи. Ишлаш ҳуқуқи. Даволаниш ҳуқуқи. Дам олиш ҳуқуқи.

- Ишчи сифатида қандай ҳуқуқларга эгасиз?

- Ойлик олиш. Уй-жой олиш. Дам олиш учун йўлланма олиш ҳуқуқларига.

- Ҳуқуқ-тартибот органига муносабатингиз?

- Милиция ходимларининг муомаласи қониқтирмайди.

- Айтайлик, сизни бирор милиция ходими бесабаб бўлимга олиб бориб вақтингизни олди. Шунинг учун ундан жавобгарлик талаб қиласиз-ми?

- Улардан талаб қилиб бўладими? Қўйиб юборганига хурсанд бўлиб кетаверасиз-да.

- Кимдир сизнинг нафсониятингизга тегадиган гапни айтса қонуний жавобгарлик талаб қиласизми?

- Албатта, чунки менинг шахсий ҳуқуқларим Конституция билан ҳимояланган.

Гўзал САФАРОВА, Педагогика университети 3-курс талабаси:

- Талабалик ҳуқуқларингиз?

- Таълим олиш. Чет элларга бориб билимимни ошириш.

- Ҳуқуқшуносликка оид қандай адабиётлар билан танишсиз?

- Конституция. Ўзбекистон Жиноят кодекси ва янги қабул қилинган қонунлар билан оммавий ахборот воситалари орқали танишиб бораман.

- Динга муносабатингиз?

- Ижобий. Диний адабиётларга қизиқаман.

Бобур ИКРОМОВ, Радио мухбири:

- Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларимни биламан ва юридик нашрлар билан имкон қадар танишиб бораман.

- Диний адабиётлар билан танишман. Боболаримиз мазҳабидаман.

Бошқа бирор мазҳаб, бирор диний оқим мени қизиқтирмайди.

Бир қанча газетхонлар билан суҳбатларимиздан шу нарса маълум бўладики, республикамиз фуқароларининг ўз ҳуқуқларини билиши мақтагудек эмас. Ҳуқуқий маданиятни эса кўяверасиз. Шу саволлар билан маҳалла қўмитаси раиси ва участка нозирига ҳам мурожаат қилдик. Бир участка нозирига:

- «Сизнинг участка нозири сифатида қандай ҳуқуқларингиз бор», - деб сўраган эдик, у киши бошлиқларининг рухсатисиз бирор нарса айта олмаслигини билдирди.

Миробод тумани Охунбобоев маҳалла қўмитаси раиси Раъно Эминжоновадан ҳам маҳалла раиси сифатида қандай ҳуқуқлари борлигини сўрадик. Раъно опа бизга маҳаллада амалга оширилаётган ишларни гапириб бердилар. Опадан ёшлар тарбиясида асосан нималарга эътибор берилаётганини сўрадик ва қуйидагича жавоб олдик:

- Бизнинг маҳалла асосан Европа миллатларига мансуб аҳолидан иборат. Шундай бўлса ҳам маънавият ва маърифат маркази ходимларини тез-тез маҳалламизга таклиф қилиб турамиз. Улар маҳалла аҳлини қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар уюштириб бормоқдалар. Шаҳар милицияси ходимлари билан ҳам алоқани йўлга қўйганмиз.

Умуман бизнинг мақсадимиз «Ҳуқуқий маданият» мавзусида давра суҳбатига ўхшаш бир мақола ёзиш эди. Аммо саволларимизга қониқарли жавоб олмагач, ҳуқуқнинг ўзи нима, деган саволни қўйишга мажбур бўлдик. Бунга ҳам жавоб камроқ бўлганидан ҳуқуқ-органлари ҳақида фуқароларнинг фикрини билишга қизиқдик. Бу саволга мукаммал жавоб бермаган кишиларни ҳуқуқни билмас экан, деб ҳулоса чиқармаслик керак. Чунки улардан олдин бундай савол сўрамаган ва улар ҳуқуқларини санаб айтиб беришга эҳтиёж сезишмаган.

Аммо бу ҳодиса пойтахтда кечмоқда. Биласизки, ҳамиша пойтахт барча соҳада чекка жойларга нисбатан илғорроқ бўлади. Шу мавзуда, яъни «Ҳуқуқий маданият нима?» мавзусида газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ҳурматли ҳуқуқшунос олимлар, амалиёт ходимлари, мутахассислар билан суҳбат уюштиришни режалаштирмоқдамиз.

Ўйлаймизки, давра суҳбатимизда иштирок этишни хоҳловчилар бизга албатта мурожаат қиладилар.

Дамин ЖУМАҒУЛОВ, журналист.

● Республика прокуратураси ҳайъат мажлисининг қарорлари изидан

НОМИ БОРУ, ЎЗИ ЙЎҚ...

ЁХУД ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИДА РАСМИЯТЧИЛИК ВА ХЎЖАКЎРСИНЧИЛИК ҲАР ҚАНДАЙ ЯХШИ НИЯТНИ ЧИППАККА ЧИҚАРМОҚДА

Болалик... Ҳа, болалик, ўсмирлик даврлари ҳақида гап кетганда ҳар доим «беғубор» деган сўз ўз-ўзидан қўшиб айтилади. Дарҳақиқат, болаликда инсон қалби биллурдай тоза, пок бўлади. Қалбдаги ана шу беғуборликни сақлаб қола олган инсонлар дунёда энг бахтли инсонлардир. Ҳар бир бола, ҳар бир ўсмирнинг келажакда бахтли инсон бўлиб етишишида эса аввало ота-онанинг, мактаб, маҳалла аҳли қолаверса, баъзи тегишли ташкилотларнинг масъулияти беқиёсдир. Лекин афсуски, сўнгги пайтларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик айниқса, туман марказлари ва шаҳарларда камаймаяпти.

Тошкент вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш гуруҳи томонидан бу борада текшириш олиб борилганда шу нарса маълум бўлдики, вилоятдаги айрим туман ва шаҳарларда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар бир мақсадга йўналтирилмасдан, хўжакўрсинга, фақат расмиятчилик учун ўтказилган.

Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Паркент, Пискент, Тошкент туманлари, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида туман, шаҳар ҳокимиятлари қошидаги комиссиялар ва ИИБлардаги нозирликлар ҳамда халқ таълими бўлимларининг масъул ходимлари ҳамкорликда иш олиб бормаганлиги ва ўз вазифасига, қолаверса, келажагимиз тақдирига масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганлиги туфайли мазкур туман ва шаҳарларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик камаймаяпти. Жумладан, биргина Оққўрғон тумани ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия фаолиятига назар ташласак, бунинг сабаблари аён бўлади. Шунча масъулиятли вазифа бўлишига қарамасдан, комиссия раиси бўлиб туман меҳнат биржаси бошлиғи О. Мустафоев ишлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда ишламаётган, собиқ туман халқ таълими бўлими мудири Э. Бердиқулов, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётган Р. Нуралиев ва умуман фаолият кўрсатмаётган «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи бу комиссиянинг аъзолари ҳисобланади. Энди ўйлаб қаранг, шундай тарқоқ, номигагина бор, лекин амалда йўқ комиссия қандай фаолият олиб бориши мумкин?!

Бу комиссиянинг шу пайттача Низоми ҳам, бирон марта йиғилиш олиб борганлиги ҳақидаги маълумоти ҳам йўқ. Аслида бундай комиссияларнинг вазифалари нималардан иборат бўлиши керак? Афсуски, аксарият комиссия аъзоларининг ўзлари ҳам бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга эмаслар.

Комиссиялар туман, шаҳар ҳудудида вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб боришлари, шу туман, шаҳарда қанча ўсмирлар борлигини, уларнинг қанчаси ўқимаслиги, ишламаслиги ҳақида тўлиқ маълумот тўплашлари, бундай ёшларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим. Бундан ташқари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича тўпланган ҳужжатларни ҳам ўз вақтида синчиклаб ўрганиш каби муҳим вазифаларни бажаришлари керак. Лекин, афсуски, аксарият туман ва шаҳар ҳокимликларидаги комиссияларда бу вазифалар бажарилмасдан келинмоқда. Ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг кўрилишида юзакиликка йўл қўйилган, қабул қилинган барча қарорлар бир хилда тузилган. Бундан кўринадики, бажарилган ишлар фақат расмиятчилик учун қоғозда қилинган, холос. Бунинг натижасида қанча-қанча ўсмирлар жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманида ўсмирлар томонидан шу йилнинг ўтган вақти мобайнида олтита жиноят содир этилган. Масалан, туманнинг «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигига кўчиб келган Муравьёванинг вояга етмаган фарзандлари С. Муравьёв ва Р. Муравьёвлар вояга етмаган қўшниси Олег билан биргаликда мазкур хўжаликдаги мактабнинг томини тешиш йўли билан нархи 34 минг сўмлик компьютерни ўғирлаб, мактабга моддий зарар етказган.

Бу ўсмирларнинг ҳеч жойда ишламасдан, ўқимасдан юрганлиги участка нозири, ВЕН ходимлари, маҳалла фаолларига маълум бўлсада, улар бу ўсмирлар билан профилактика ишларини олиб боришмаган. Бундай мисолларни ҳар бир тумандан хоҳлаганча келтириш мумкин.

Хўш, нега шундай? Нега жойлардаги ҳокимиятлар қошидаги комиссиялар участка нозирлари, ВЕН ходимлари, халқ таълими ва маҳалла қўмиталари бу борада ҳанузгача ҳамкорликни йўлга қўймаганлар? Қолаверса, вилоят ҳокимлигидаги комиссиялар, вилоят халқ таълими бўлими етарли назорат ишларини олиб бормаганлар. Бу борада жойлардаги прокуратура идораларининг ҳам масъулиятсизлиги сезилади. Фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонун талабларини бузилиши сабаблари ва уларнинг келиб чиқиш шароитларини ўрганиш, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётган, муттасил ичкиликбозлик ва гиёвандликка мубтало бўлган ўз болаларининг ҳаёти ва соғлигига қарши қасддан жиноят содир этган шахсларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишда прокурорлар ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмаётирлар. Бунинг натижасида вояга етмаганлар лаёқатсиз ота-оналар қўлида қолиб, давлат васийлик органларининг васийлигидан ҳам бенасиб ҳолда қаровсиз қолиб кетмоқда.

Мустақил юртимизнинг ёркин келажаги бўлган ёшлар тарбияси давлат аҳамиятига молик энг муҳим масала бўлиб турган бугунги кунда жойлардаги бундай ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин?!

Президентимиз Ўзбекистон миллий ахбо-рот агентлиги мухбири саволларига жавобларида ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб, ***«Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз - жамиятимиз аъзоларини, аввалом бор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат»,*** деб айтиб ўтганлар.

Болалар ва ўсмирлар тарбияси ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш масаласида гап кетганда шуни айтиш жоизки, жойларда болаларнинг ёзги таътилларини ташкиллаштириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Оромгоҳлар, клублар, истироҳат боғлари тўлиқ ишламаяпти. Бундан ташқари, ўсмирларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинмасдан қолмоқда. Худди шу масалалар ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида ҳокимиятларга мурожаат қилинганда улардан битта: «Бу муаммоларни ҳал қилиш учун бизда ортиқча маблағ йўқ», деган жавобини олишимиз мумкин. Ёш авлодни тарбиялашдек ғоят муҳим масалада маблағ йўқ деган баҳонанинг ўзи ортиқча эмасми?

Эшпўлат БЕГМАТОВ.
Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ДУРАДГОРДАН ЧИҚҚАН ПРОКУРОР

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

ишлаган Акрамжон Аъзамовнинг тажрибаларини ўрганиш, ҳамкасблар билан мулоқотлар, баҳслар ёш терговчини чарҳлаб борар, кундан-кунга у жамоа ва жамоатчилик ишончи ва ҳурматини қозонарди.

***

...Ёз кунларининг бирида туманнинг Тўда қишлоғида қотиллик содир этилди. Жиноятни очиш жуда оғир кечди. Ўлдирилган аёлнинг ёши бир жойга бориб қолган бўлиб, айни пайтда зўрланган ва хўрланган эди. Ёш терговчи воқеага атрофлича ёндошди. Уни бегона одам бу аҳволга солиши мумкин эмас. Қотил ўз эри бўлиши мумкин.

Бунга эса баъзилар киноямуз қараб, эрининг ҳам кексалигига ишора қилишди. Вилоятдан келган криминалистлар воқеани, жасадни обдон текширишди. Ишга вилоят прокурори Қобилжон Шоамиров (жойи жаннатда бўлсин) ҳам аралашди. У киши криминалистлар ва ёш терговчининг хулосаларини таққослаб, Валижоннинг мулоҳазаларидан мантиқ топди ва терговни давом эттиришни топширди.

Синчковлик билан олиб борилган тергов ўз самарасини берди. Жиноятчи айбига иқрор бўлди.

Бу воқеа Валижон фаолиятига ҳам ўзгартиш киритди. Ҳар бир ёш ҳамкасбида иқтидор аломатларини кўрса қувонадиган, уларнинг ўсишига йўл очиб берадиган раҳматли Қобилжон ака ўшанда Валижонни кўз остига олиб қўйган экан, орадан бир неча ой ўтгач, 1977 йил баҳорида уни вилоят прокуратурасига бош терговчи вазифасига олиб келди. Кейинчалик суд назорати бўйича прокурорнинг катта ёрдамчиси вазифасига ўтди. 1983 йилда эса Янгиқўрғон тумани прокурори этиб тайинланди. 1988 йилда туманларни йириклаштириш деган ғалати сиёсат билан Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари бирлашди.

Ўшанда Наманган шаҳар прокурори (ҳозир Андижон вилояти прокурори) Умматали Шамсиев юқори ташкилотларга мурожаат қилиб, Валижонни ўзига биринчи ўринбосарликка таклиф этди.

- Биз прокуратура соҳасидаги ишни Валижон ака қўл остида бошлаганмиз. У киши устозимиз, унинг тажрибаси ҳозирги шароитда бизга асқотади, - деди Шамсиев.

Чиндан ҳам демократия ниқоби остида шаҳарда турли гуруҳ ва ҳаракатлар ғимирлай бошлаган, айрим нопок кимсалар ўз ғаламисликларини гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона намоён қилаётган кунлар эди.

Валижон бир йил давомида шаҳарда ишлаб, 1989 йилда Норин тумани прокурорлигига юборилди. 1993 йилда эса вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси вазифасига чақириб олинди.

***

Одатда маъмурий органлар ходимлари ҳақида ёзилганда улар очган жиноятлар, ёки жиноятларни очишда уларнинг иштироки кўпроқ қаламга олинади. Мен эса ҳамон унинг қачон, қайси вазифада ишлаганини шарҳлаяпман. Гап шундаки, прокурор ё прокуратура ходимининг жиноятларни очиш, тергов қилиш, қонун устиворлигини таъминлаш учун курашдан бошқа иши йўқ. Унинг ҳар куни кутилмаган бир ҳодиса, хаёлга келмаган қонунбузарлик ёки тасодиф билан дуч келиши табиий. Валижон ҳаётида ҳам «хайрият, бугунги кун тинч ўтди» деган кунлар кам бўлган. Ана шу ҳамиша аскардай шай соҳада қаерда зарур бўлса ўша ерда билим ва тажрибасини ишга солиш, чорак асрдан зиёд ўз шаънига доғ туширмай ишлаб келишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳам ақл, ҳам заковат, ҳам билим, ҳам адолат туйғуси омухта бўлиши керак одамда.

Прокуратура соҳаси ҳам нозик, ҳам мураккаб. Чунки жиноятчидан тортиб жабрланувчигача, етти ёшдан етмиш ёшгача, муттаҳамдан тортиб ўғригача - ҳамма ана шу даргоҳдан адолат кутади, адолат қидиради. Ҳамма ўзини ҳақ, деб билади. Ҳеч бир одам ўзи адолат деб билган нарса ўзга учун адолатсизлик бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмайди.

Ана шу чигалликлар орасидан янглишмай ўта билиш ҳам қийин. Жиндай адашдингми, жиндай хатога йўл қўйдингми, бу соҳада ишлаш учун маънавий ҳуқуқингни йўқотасан. Валижоннинг хизмати ҳам, ўзига хослиги ҳам шу йўлда адашмай бораётганида.

***

Поп Наманган вилояти ҳудудининг 43 фоизини эгаллаган туман. У Чустнинг чегарасидан Тошкент вилояти чегарасигача бўлган боғ-роғлару адирлардан тортиб, Қамчиқ довонию унга елка тутган тоғларга ўхшаган. Ҳудуди ва табиатидан ташқари ҳамма соҳада ҳам ажралиб турадиган бу туманда 158 минг аҳоли истиқомат қилади.

Ана шу кенгликлар ва тоғликларда, шаҳарчаларда, қишлоқ хўжалигию саноати, қурилишида ҳам кутилмаган ҳодисалар бўлиб туради. Жиноятнинг ғайри-ғайрилари содир этилади.

Бир неча йиллар муқаддам Валижон Раҳимбоев вилоят прокуратураси терговчиси сифатида ана шундай жиноий ишлардан бирини ўрганиб, тергов қилган эди. Ўшанда омонат касса ходими ўнлаб мижозларнинг омонатларини қабул қилиб олиб, дафтарчаларига қайд этгану пулларни кирим қилмай, чўнтакка уриб ғойиб бўлган эди.

Валижон тергов қилибгина қолмай, жиноятчини қўлга тушириш ишига ҳам аралашганди. Шу аснода попликлар билан қадрдонлашиб қолган эди. Аммо бир кун келиб, ўзи бу туманга прокурор бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди.



Суратда: Валижон Раҳимбоев ҳамкасблари даврасида.

Тақдир 1998 йил баҳорида ана шу улкан ҳудуд, ўнлаб миллат вакиллари истиқомат қиладиган маконда қонун посбони бўлишини тақозо этди. Бу туманда ишлаш қанчалик мароқли бўлса, шунчалик мураккаб. Мароқли экани шундаки, Поп халқи табиатан меҳнаткаш, ташаббускор, ўз юрти шаънини пок сақлаш учун жон куйдирадиган фидойи одамлар. Мураккаблиги шундаки, катта ҳудуднинг гоҳ у, гоҳ бу еридан кутилмаган ҳодисалар чиқиб туради. Биргина Қамчиқ довонида содир бўладиган йўл - нақлиёт ҳодисаларининг ўзиёқ бир туманга татийди. Ҳозир Қамчиқ ички ишлар бўлими ташкил этилган. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда бу бўлим ходимлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Прокурор ўз вазифасини туман ҳудудида жиноятларнинг олдини олиш, жиноятга муносиб жазо белгилаш, айни пайтда ҳар бир соҳада қонун бузилиши ҳолларига чек қўйиб, одамларнинг инсоний қадр-қиммати, қонуний ҳуқуқини ҳимоя қилишда, деб тушунади. Бу ишда жамоатчилик ва ички ишлар бўлимларини ўзининг қўш қаноти деб билади.

Ишга келганига йигирма кун бўлганда ғалати воқеа содир бўлди: Халқобод шаҳарчасидан тунги соат бирларда нохуш хабар келди. Йигирмага тўлиб-тўлмаган Раиса Никитина деган аёлнинг қонга беланган жасади ўз уйи олдида ётган эди.

Прокуратура ва ички ишлар бўлими ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, қотиллик сабаби ва жиноятчини қидириш бошланди. Суриштирувлар, кўни-қўшнилар билан олиб борилган суҳбатлар натижасида Раиса дон маҳсулотлари комбинатининг ходими Фахриддин Дўлтаевнинг маъшуқаси бўлгани аниқланди.

Оилали, бола-чақали Дўлтаев вақт топди дегунча Раиса билан ишрат қилиб юрган экан. Ўша кечаси бадмаст ошиқ билан маъшуқа ўртасида гап қочиб, у Раисани жазоламоқчи бўлади ва тош билан уриб ўлдиради.

Иш жараёнида жамоатчиликка суяниш, мантиқий асосларга эътибор бериш, синчковлик туфайли жиноят тез очилди. Бу ишга прокурор бевосита раҳбарлик қилди.

...Ҳаёт дарё каби ўз оқими билан оқади. Дарёнинг тубида дурру жавоҳир оқса, устида кўпиклар аро чиқитлар ҳам оқаверганидай, ҳаётда бунёдкорлик билан машғул одамлар билан бир қаторда жиноий ишларга мойил кимсалар ҳам бор. Айни пайтда ҳуқуқий билимининг етишмаслиги панд бериб адашганлар ҳам бисёр.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён муҳтарам Президентимиз аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Ўз ҳуқуқини тўла билган одам қонун олдидаги бурчини ҳам чуқур ҳис этади. Бу эса ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий омилларидан бири.

Валижон Раҳимбоев прокуратура ходимларининг фаолиятини аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишга, одамлар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, ўқув юртлари, саноат корхоналари, жамоа хўжаликларида турли тадбирлар - суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, жиноятнинг келиб чиқишига замин яратаётган омиллар ошкор этилган фильмлар намойишларини ўтказишга йўналтириб, катта тарғиботчилик ишларини ҳам олиб бормоқда.

Шунингдек, суд жараёнларида прокурор иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган бир йил давомида туман судида кўрилган ишларнинг ярмисида Валижон Раҳимбоев шахсан ўзи иштирок этди.

Вилоят прокуратураси маълумотларига қараганда, туманда жиноятчиликнинг барча кўринишлари ўтган бир йил ичида анча камайган. Бу олиб борилган тарғибот ишлари самарасидир.

- Асосан биз одамларнинг прокуратурага ишончини мустаҳкамлашга интилмоқдамиз, - дейди Валижон Раҳимбоев. - Биласизми, одамлар бирор нарсада адолатсизлик сезса вилоятга ё пойтахтга шикоятга боришга, ё ёзишга ўрганиб қолишган. Ҳолбуки, кўплаб муаммоларни туманнинг ўзида ўрганиб, ҳал қилса бўлади. Тўғри, одамларнинг прокуратурага келиши кўпайди, бу маълум қийинчиликлар туғдиради. Аммо одамлар билан ишлаш, уларнинг дардини тинглаб, малҳам топиш ҳам адолатни қарор топтиришнинг асосий омили.

***

Ҳар тонг Валижон Раҳимбоев ҳам ҳамма қатори ишга отланади. У билан бирга рафиқаси - боғча мудираси Қ...ромхон ҳам, катта ўғли ...оят суди котиби Алижон ҳам ишга отланишади. Ҳар тонг оиланинг Отабек ва Юсуфбек каби олий ўқув даргоҳларида таълим олаётган ўғиллари ҳақида, албатта, қандай ўқиётганлари, аҳволлари нима кечаётгани ҳақида бир гаплашиб олинади. Ўрта мактабни тугатган оиланинг ёлғиз қизи Барчиной тақдири ҳақида фикрлашилади. Тўнғич набира Мафтунани эркалатиб хайрлашилади.

Прокурор ҳам ота. Ана шу фарзанду набиралар бахти, истиқболи ҳақида ота бўлиб қайғуради. У ҳар бир хонадоннинг фарзандлари солиҳ бўлишини, ота-онаси билан бағри бут, бахти тўкин бўлишини хоҳлайди. Қани эйди, ҳар бир оилада аҳиллигу тотувлик бўлса, меҳру оқибат бўлса... Юрагида меҳр қуёши порлаб турган одамлардан ёмонлик ҳам, жиноятчи ҳам чиқмайди.

Қани энди...



Ишхонада нима гаплар?

• *Сиз нима дейсиз?*

Табиатимизда негадир кулгуга, комедияга, аскияга мойиллик бор. Бу «нега» кулганда мирикиб дам олишимиз, майда-чуйда ташвишларни унутишимиз билан изоҳланар. Аммо ҳаёт фақат қурсандчилигу байрамлардан иборат эмас. Атрофимиздагиларга, хусусан уларнинг қалбига бир марта назар ташлашнинг ўзиёқ қарашларимизни бироз ўзгартиради.

ҲАМДИ АЯНИНГ ДАРДЛАРИ



Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» мавзеси, 79-уй, 28-хонадонда яшовчи Ҳамди ая Толипова 1 гуруҳ ногирони, яқинда 75 ёшга кирадилар. Ўз вақтида олий маълумотли юрист во...дагог сифатида юртимизга 40 йилдан ортиқ хизмат қилган. Жу...надан, саводсизликни тугатиш даврида, уруш йиллари эса фронт ортида фаол иш олиб борган. У кишининг хизматлари ҳукумат ва Президентимиз томонидан эътиборга олиниб, бир қанча нишонлар ҳамда мукофотлар билан тақдирланган.

Албатта, озгина эътибор ҳам киши кўнглини тоғдек кўтаради. Аммо аянинг бошида бир ташвиш, кўнглида бир ғам бор-ки, кексайган чоғида икки шаҳар орасида қатнатиб қўйган... Ҳамди аянинг ёлғиз ўғли Д.Саидов қамоқда. Қуйидаги битикларимизда Д.Саидовнинг нега қамалганини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Ҳамди аянинг шикоятида жазони ижро этиш муассасасидаги айрим масъул кишилар адресига келтирилган нордон таъналарга тегишли назорат идоралари муносабат билдиришар. Бироқ хатнинг давомидаги бир ҳолат бизни бағоят муттаасир қилди ва уни газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Ҳамди ая Толипова 24-25 июн кунлари ўғли Д.Саидов билан бирга бўлганлиги ҳақида ёзиб, мактубига Д.Саидовнинг бир шеърини илова қилган. Шеър ҳақида гапиришдан олдин бир-икки оғиз мулоҳаза.

Аввало, дунёда адашмаган, хато қилмаган инсон йўқ. Вақтида бартараф этилмаган кичик хато катта хатога олиб келади. Бу йўлдан юрганлар жиноят кўчасига кириб қолиши ҳеч гап эмас. Жиноят кўчасининг охири эса жазо. Ўсмирларимиз яна шуни билишлари керакки, қамоқхона - курорт эмас, ҳатто бир кеча кўниб, сўнг чиқиб кетиладиган меҳмонхона ҳам эмас. Унинг нелигини билмоқ учун маҳбус Д.Саидовнинг шеърини ўқимоқ ва уқмоқ керак.

ТАҚДИР ЭКАН...

Тақдир экан - қамалдим яна,
Онаизор турди оёққа.
Бор - йўғини кўтариб она,
Ғамгин келар мени кўрмоққа

Тақдир экан - қамаб қўйдилар,
Юрагимда бир ўкинч - зўр ғам.
Мен деб яшар, мени қадрлар,
Мен қадрига етмаган Онам!

Тақдир экан - қамалдим тағин,
Кўзим қурук, қалбим йиғлайди.
Мен торгина қамоққа сиғдим,
Кенг оламга сиғмайди онам...

Тақдир экан, нотавон тақдир,
Не қилайки, у доим ҳақдир!

Шеър адабиёт талабларига жавоб бермас, эҳтимол. Аммо биринчи гуруҳ ногирони, кекса онанинг, ёлғиз боламни бир кўрай деб топганини ортмоқлаб, қамоқхона остонасида сарғайишлари, буни ҳис этиб, истироб чекаётган маҳкум ўғилнинг аҳволи... Бу кунни душманимга ҳам раво кўрмайман, деганлари шу бўлади. Билиб-билмай, жиноят кўчасига кириб қолаётган айрим ёшларга, фарзандларини вақтида тергамаган айрим ота-оналарга сабоқ бўлармикан, деб Ҳамди ая Толипованинг мактубидаги дил изтиробларини ўқувчиларга ҳавола этдик.

Ҳасан НИШОНОВ,
журналист.

• *Муқаддас бурч*

ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Асосий Қонунимизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», деб таъкидланган. Демак, фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташлари мажбурийдир.

Айни вақтда мамлакатимизда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига кўра тинчлик вақтида ҳарбий хизматга яроқли ва чақирув куни 18 ёшга тўлган, шунингдек, 27 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқароси муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбий хизмат муддати ушбу Қонуннинг 23-моддасига биноан 18 ой, олий маълумотли шахслар учун эса 12 ой белгиланган.

Ҳар қандай фуқаронинг кўрсатилган қонунлар талабини бузганлиги, чақирувга ўз вақтида келмаслиги, ҳар-хил йўллар билан муддатли ҳарбий ва муқобил хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қилиши жиноят ҳисобланади.

Ҳарбий хизмат йигитларимизда сабр-тоқат, чидам, бардош каби хислатларнинг шаклланишига кўмак бериб, уларни ҳақиқий ватан ҳимоячилари этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Аммо баъзан, ҳарбий хизматдан бўйин товловчи йигитларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, собиқ Иттифоқ даврида йигитларимиз ўз юртларидан олисда хизматни ўташган. Ҳозирда ўзимизнинг юртимизда хизмат қилишади. Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда минглаб йигитларимиз давлатимиз чегараларини муносиб ҳимоя қилиб, ўз аскарлик бурчини астойдил ўташмоқда. Бироқ айрим оддий аскарлар томонидан ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳоллари учраб турибди. Масалан, оддий аскар Эргаш Қўчқоров муддатли ҳарбий хизматни Нукус гарнизони ҳарбий қисмида ўтаб келиб, 1998 йил 20 октябрда хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиб, доимий яшаш жойига бориб, вақтини ўз хоҳишига кўра ўтказиб юрган. Нукус гарнизони ҳарбий прокурори томонидан Э.Қўчқоровга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 288-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган. Нукус гарнизони ҳарбий судининг 1999 йил 25 мартдаги ҳукми билан Э.Қўчқоров айбли деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Оддий аскар Э.Қўчқоров ўз бурчини тўлиқ англамаган, қийинчиликлардан қўрққан, хулқ-атвори енгил йигит бўлиб чиқди.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун, доимий равишда ёш авлод билан тарбиявий ишларни олиб бориш, қонунларни тарғиб қилиш шарт.

Мард майдонда синалади, дейди халқимиз. Она - Ватанга бўлган муҳаббатни, унинг дахлсизлигини, тинчлигини ардоқлаган ватанпарварларни амалда кўрсатувчи омилдан бири унинг аскарликка муносиб, соғлом ҳолда мардларча ҳарбийлар сафига отланиши ва конституциявий бурчини бажаришидир. Бу муқаддас ва шарафли бурчни аъло даражада адо этиш ҳар бир йигитга насиб этсин.

Фахриддин МОЙИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим катта прокурори

• *Прокурор протест келтирди*

ОЛДИН СУДЛАНГАН БЎЛСА-ДА...

Бугунги кунда суд тизимидаги муҳим ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг амалиётга чуқур тадбиқ этилаётганини, мустақил суд органларимиз адолат тарозисини синчковлик билан назорат қилиб турганлигини эътироф этган ҳолда, баъзи судьяларнинг тажрибасизлиги ва инсон тақдирига бефарқлик билан қараши оқибатида адолатсиз ҳукмлар ҳам чиқарилаётганини айтиб ўтишимиз жоиз. Масалан, Оқдарё туман судининг 1998 йил 27 июн кунидаги ҳукмида судланувчи Р.Эшмуродов ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга тегишли мол-мулклар мусодара қилингани ҳамда 2 йил аҳлоқ тузатиш жазосига ҳукм этилган. 1997 йил 3 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига кўра, жазодан озод этилгани туфайли у суд ҳукми устидан шикоят бермаган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи Р.Эшмуродов Оқдарё туман «Самарқанд» жамоа хўжалигининг «Оқсулот» деҳқон хўжалигида 1994 йилдан 1997 йилгача ҳисобчи лавозимида ишлаб келиб, 1995 йилнинг 22 май куни ушбу хўжаликнинг йилқичилик фермаси мудири Ф.Ўроловнинг жавобгарлигидаги жамоа хўжалигининг мулки бўлган 2 та отни миниб юриш учун олади, ҳамда шу вақтда отларга бирон фалокат ва касал тегса ўз жавобгарлигимга оламан, деб тилхат ёзиб беради. Лекин, судланувчи бу отларни жамоа хўжалигига ўз вақтида қайтармайди. Отларга касал тегиб ўлди, деган баҳона билан мулкни талон-тарож қилади. Шу билан жамоа хўжалигига бозор баҳосида 62 минг (баланс баҳосида 2536 сўм) зарар етказганликда айбланиб судланган.

Биз бу билан судланувчининг айби йўқ, демоқчи эмасмиз. Лекин ҳар бир судланувчи ўзига ҳимоячи олиш ҳуқуқига эгалигини эътиборга олсак, туман судининг бу ҳукми асоссиздир.

Р.Эшмуродовнинг жиноятини судда кўришда ЖПКнинг 51-моддасига зид равишда судланувчи ҳимоячи билан таъминланмаган, ҳимоячи керак ё керак эмаслиги тўғрисида суд баённомасида ёзилмаган. Шунингдек, судланувчидан бу ҳақда ариза ҳам олинмаган ва ишга ҳимоячининг ордери тикилмаган. Иш судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи бузилган ҳолда судда кўрилиб, ҳукм чиқарилган.

Бу эса, ЖПК нинг қоидаларида кўрсатилган талаблар кўпол равишда бузилганлигидан далолат беради. Шуларни ҳисобга олиб ёзган протестимиз 1999 йил 4 апрелда вилоят судлов ҳайъатида асосли деб топилди. Иш янгидан кўриш учун бошқа судга юборилди. Четдан қараган кишига энди машмашалардан қутулган судланувчи ва жабрланувчиларни яна судма-суд сарсон қилиш ортиқча оворагарчиликдек кўриниши эҳтимолдан йироқ эмас. Лекин судлардаги бундай қонунбузарликлар адолат мезонининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир иш фақат қонун доирасида бўлиши лозим.

Яна бир мисол. Самарқанд шаҳар судининг 1998 йил 29 январдаги ҳукмига кўра, А.Бабаян ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ва жазони қаттиқ режимли колонияда ўташ белгиланган. Шаҳар судининг ҳукмига нисбатан назорат тартибида протест келтирилди. Бу билан биз олдин тўрт марта судланган, рецедевист жиноятчи шахс ҳисобланган Бабаянни оқламоқчи эмасмиз. Лекин...

Суд ҳукмига кўра, А.Бабаян қўшнисининг 15 минг сўмлик зотли кучугини олиб чиқиб, 200 сўмга сотиб юборган. Жабрланувчининг суддаги кўрсатмасига кўра, у қўшниси А.Бабаянни туғилган кунига таклиф қилган. А.Бабаян таклифга биноан унинг уйига кирган, озгина спиртли ичимлик ичган. Кейин эса қўшнисига кучугини мақтай туриб, менга шу кучугингни сот, деб сўраган. Қўшниси кучугини сотмаслигини айтганидан кейин ҳовли дарвозаси олдида ётган кучукни олиб чиқиб кетган ва кўчада учраган харидорга 200 сўмга сотиб юборган. Суд унинг аввал 4 марта судланганлигини ҳисобга олиб, ҳимоячининг ҳам, жабрланувчининг ҳам берган кўрсатмаларини эшитмасдан, айбланувчи уйга яширин йўл билан кирмаган бўлса ҳам уни 169-модда 3-қисми билан айблаб, 5 йилга озодликдан маҳрум этади. Суднинг бу ҳукми асоссиздир. Чунки, А.Бабаяннинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинган. Унинг бу жинояти 169-модда 1-қисми «а» ва «в» бандларига тўғри келади. Ушбу қисмдаги талабларга кўра, унга 3 йил озодликдан маҳрум этиш ва умумий режимда жазо ўташ белгиланиши лозим эди. 1997 йил 3 декабрдаги Конституциянинг 5 йиллиги муносабати билан «Амнистия тўғрисида»ги Президент фармонига кўра, А.Бабаян жазодан озод этилиши лозим. Бу иш тўғрисидаги протестимиз ҳам вилоят суди ҳайъатининг 1999 йил 29 апрел қарори билан қаноатлантирилди.

У.МУРОДОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи

• *Ҳажвия*

Илҳом ЗОИР

ТАҚСИМОТ

Муслимов бошлиқнинг хонасига кириб келганда, бошлиқ аллақандай қоғозларга ғарқ бўлиб ўтирарди.

-Чақиртирган экансиз, Аҳмад Алиевич, - деди тавозе билан Муслимов ва рухсат ҳам кутмай стулга ўтирди. - Масала муҳиммми ёки шунчаки...

- Муҳиммас, долзарб, - деди Аҳмад Алиевич қоғоздан бош кўтармай. - Бизга мукофот ажратилибди, юқоридан! Чоракликда давомадимиз яхши бўлган экан. Сизнингча, кимларга берсак тўғри бўлади?

Муслимов ғимирлаб қолди.

- Ўзиям, бу чоракликда ходимларимиз жуда фаол ишлашди. Ҳаммаси мукофотга лойиқ.

- Гапни умумий қилманг, Муслимов, - деди Аҳмад Алиевич столни тиқирлатиб. - Масалага конкрет ёндошинг! Мукофот ҳаммага етмайди. Сизнингча, кимларга берсак бўлади, шундан гапиринг!

- Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳакимовга, муҳандис Тўхтаевга, ҳисобчи Фая опага, иқтисодчи Холтоевага...

- Ўтламанг! Ён босиш бўлмасин! Буларингизнинг бари прагул-чи! Бирови кеч келади, бирови эрта кетади. Ҳакимовингиз бўлса, билмадим, нима билан шуғулланади? Кеча тушликдан кейин ишхонада ҳеч кимни кўрмадим.

- Нимага энди, ҳамма шу ерда эди...

- Қани, бўлмаса чақирингчи, ўша ҳаммани... Тўхтанг, Гўзалхон чақиради. Гўзалхон, одамларни беш минутга буёққа чақиринг!..

Жамоа бирин-кетин кириб келишди. Ҳамма келиб бўлгач, Аҳмад Алиевич юзига тундлик аломатини зоҳир этиб, гап бошлади.

- Сизларга бу гапни айтишга ҳам ноқулай, - деди кўзини дераздан узмай. - Кеча, аниқроғи, тушликдан сўнг кастюмимни ечиб, ана шу стулнинг суянчиғига илиб, ўзим бир иш билан ташқарига чиқиб кетгандим. Чўнтагида бир-икки сўм пул бор эди. Қайтиб кирсам, кастюм жойида, лекин пул йўқ. Шунинг учун сизларни чақирдимки, мабодо... Йўқ-йўқ, мен сизлардан гумон қилаётганим йўқ, мабодо...

Хона сукунатга чўмди. Кўзлар бир-бирига шубҳа билан бокди. Пичир-пичир бошланди. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳакимов ўзига тикилиб турган муҳандис Тўхтаевнинг кўк кўзларига қараб, беихтиёр:

- Рафиқжон, сиз менга унақа қараманг, - деди безовталаниб. - Бировнинг чўнтагига куним қолмаган ҳалигача!

Ўғрилик устида қўлга тушган одамдек, Тўхтаев чўчиб тушди.

- Эй, сизга қараб ҳам бўлмайдими? Боринг у ёққа-эй!

Ҳакимов асабийлашди.

- Бир қараяпсиз-ки, одамни тешиб юборай дейсиз! Худди пулни мен ўғирлаганман-у, сиз қуруқ қолгандай! Ахборотингиз учун мен кеча тушликдан кейин кетганман. Божам юбилейини қилаётган эди, ўшанга кетганман!

- Мен сизни ўғри деётганим йўқ-ку, Чинпўлат ака! Кеча мен ҳам тушликдан сўнг бу ерда йўқ эдим. Хотиним янги бўшалганини ҳамма билади. Кеча шуни олиб чиқдим. Эҳтимол, Гўзалхон билар, қабулхонада пайпоқ тўқиб ўтирган эдилар. Бегона одам дарров билинади-ку! Гўзалхон, кеча мабодо бирорта бегона киши...

Пойгакда ўтирган котиба қиз Гўзалхон ҳаяжонланганича ўрнидан турди.

- Ме-мен... Йўқ-йўқ... Бегона киши келгани йўқ, - деди оппоқ қўлчаларини бир-бирига ишқалаб. - Мен кеча тушликдан кейин ярмаркага тушгандим. Эшмат акамла кевдилада, шунга... У киши бегона эмас-ку. Бу ёққа чиққанлари ҳам йўқ, пастдан телпон қилдилар, телпон билан ўғирлик қилиб бўлмайдику? Эшмат акам билан юрганимизни машинисткамиз Зуҳра опа, кассиримиз Галя опа ва Мўтти опалар кўришди. Галя опа, ўзингиз бир нима денг! Бола мани ўғри қиляпти! Ман тушиб кетаётганда Султон ака билан Карим ака хонасида гаплашиб ўтиришган эди. Карим ака менга «ха, свиданиягами?» деб ҳам қўйдила...

- Гўзалхон, гумон иймондан айирар, деган гап бор, қизим, - деди Карим ака кўзойнагини асабий тарзда тўғрилаб оларкан. - Сен, қизим, бизларни тушликдан олдин кўргансан. Кеча Султон аканг шахматдан ютқазгани учун манга пивога тушган. Шунга иккимиз сал вақтлироқ қуённи расмини чизганмиз. Эсон тоғага «юринг» дедик, у киши «ишим бор» деб унамади... Эсон тоға, ўзиз айтинг буларга, кеча шунақа гап бўлувдими?

Эсон тоға бепарво одам. Шунинг билан бирга ҳалол. У кишидан гумон қилмаса ҳам бўлади.

- Тўғри, сизларни кўрувдим, - деди Эсон тоға ер чизиб. - Сизлар кетгандан кейин эшикларни тортиб-тортиб кўрдим. Ҳамма эшиклар берк экан. Шундан кейин мен ҳам ўзимнинг ишимга кетдим-да.

Эсон тоғанинг гапи масалага нуқта қўйгандек бўлди. Лекин Аҳмад Алиевич яна зуғумга олди.

- Демак, кеча тушликдан сўнг бу ерда ҳеч ким бўлмаган, мендан бошқа! Мени хонамга ҳам ҳеч ким кирмаган, шундайми?

- Шундай, шундай, - деди Эсон тоға бепарволик билан.

- Эсон ака, - деди Аҳмад Алиевич қўлини бигиз қилиб, - сиз шундай дейсиз-ку, бошқа сайёрадан келиб мани чўнтагимни шилиб кетмагандир! Муслимов, давомад яхши деб чиранган-чиранган! Яна буларга мукофот ҳам бераман дейди! - Аҳмад Алиевич яна узоқ гапирди. Лекин ўғри топилмади. У Муслимовга «сиз қолинг» деб, бошқаларга рухсат берди.

Муслимов ўсал бўлгандек бошини ҳам қилганча ўтираверди. Аҳмад Алиевич ўша тундлик билан:

- Сиз ана шундай дангасаларга мукофот бераман, дейсиз! - деди.

- Мен бунақа бўлганини қайдан билай, Аҳмад Алиевич, - деди гуноҳкордек ғулдираб. - Кеча ўзим ҳам тушликдан кейин йўқ эдим.

- Ана, ҳатто ўзингиз ҳам мукофотга лойиқ эмассиз! Майли, кетаверинг!..


Муслимов ўрнидан оғир қўзғалди ва эшик томон йўналаркан:

- Яхши иш бўлмабди, Аҳмад Алиевич, - деди майинлик билан.

- Ўғирланган пулингиз кўпмиди?

- Кўп-камлигини мукофотни олгандан кейин биламиз-да, Муслимов, - деди Аҳмад Алиевич муғомбирона жилмайиб.

КРОССВОРД



Энига: 1.Бир жойнинг одамлари деган маънони англатувчи, энг қадимги туркий сўз. 3. Рим императорларидан бири. 6.Ернинг йўлдоши. 8.Заҳар. 9.Қасам. 10.Олий «ҳакам». 12.Сўз туркумларидан бири. 13.Юқори ва пастга тушириш қурилмаси. 14.Европадаги давлат. 15.Чолғу асбоби. 17.Вақт бирлиги. 18.Гиёванд модда. 19.Билимни синаш усулларидан бири. 21.Римнинг шарқона номи. 24.Жанубий Кореядаги автомобилсозлик концерни. 25.Йирик сув ҳавзаси. 26.„-ишора. 28.Туркманистондаги шаҳар. 30.Республика шаҳарларида меҳмонхоналар бунёд этган Ҳиндистон фирмаси. 33.Дурадгорлик маҳсулоти. 33.Бухоро вилоятидаги туман. 34.Подшох. 36.Буюк зот. 40.Хўл мева. 41.Транспорт тури. 43.Қурилиш ашёси. 44.Мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ижодий иш. 45.«Шох»ли подшох. 47.Сигарета тури.

Бўйига: 1.Ер шарининг «белбоғи». 2.Нарвоннинг Фарғона шевасида аталиши. 3.Мамлакатимиз олий лигасидаги футбол жамоаларидан бири. 4.Дипломатик ҳужжат. 5.Газлама тури. 7. Касалликдан қолдадиган асоратлардан бири. 11.Инглизча узунлик ўлчови. 16.Пардоз буюми. 17.Бобма тури. 18. Ноёб, беназир. 20. Инглиз ҳажм ўлчови бирлиги. 22.Россиядаги шаҳар. 23.Халқ оғзаки ижоди жанрларидан бири. 27.Диний таълим берувчи аёл. 28. Ўзбек исёнкор шоири. 29.Харбий бўлинма. 32.Сайёралардан бири. 35. Пулхалта. 36.Жамиятнинг бош бўғини. 37.Қиз болалар исми. 38. Исломий харбий унвон. 42. Ҳашорат. 46.Россияда ишлаб чиқариладиган қирувчи самолёт тури.

Тузувчи: Л.НОРҚУЛОВ

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Соат мили бўйича: 2. Радиус. 6. Ранда. 7. Умров. 11. Автол. 13. Игрек. 14. Олмос. 15. Палов. 16. Каноп. 19. Сенат. 20. Маккажўхори. 26. Огзаки. 27. Тир. 30. Чилим. 31. Пичоқ. 34. Укроп. 35. Аванс. 37. Уламо. 38. Етмак. 39. Иссиқ. 40. Танти. 43. Тонна. 44. Фотоаппарат. 50. Офицер. 54. Пешин. 55. Ампер. 58. Асбоб. 61. Увада. 62. Алоқа. 63. Актёр. 64. Гамма. 67. Лимит. 68. Лағанбардор. 73. Сайёра. 75. Учувчи. 79. Лаган. 80. Ахлоқ. 83. Грипп. 84. Нўхат. 86. Ижара. 87. Опера. 88. Қатиқ. 89. Тарок. 92. Тарих. 93. «Ватанпарвар».

Соат милига тескари: 1. Ари. 3. Асо. 4. Ритм. 5. Хазон. 8. Сомон. 9. Метро. 10. Жавзо. 12. Минор. 17. Тутун. 18. Норин. 21. Рим. 22. Илтимоснома. 23. Амр. 24. Метан. 25. Мот. 28. Анко. 29. Аския. 32. Линза. 33. Намат. 36. Мақол. 41. Калит. 42. Телба. 45. Тан. 46. Аккумулятор. 47. Афт. 48. Балиқ. 49. Нор. 51. Яра. 52. Олти. 53. Радио. 56. Титул. 57. Танба. 59. Титан. 60. Битим. 65. Калиш. 66. Шамол. 69. Мис. 70. Инкубатория. 71. Илм. 72. Билет. 74. Нур. 76. Тил. 77. Атир. 78. Ричаг. 81. Уйғун. 82. Газал. 85. Ношуд. 90. Тикан. 91. Нодон. 94. Жон. 95. Олтингугурт. 96. Авж. 96. а. Аноним. 97. Обкаш.

• *Бир чимдим кулгу*

Бир микроб оғайнисини учратиб қолди:

- Нега бугун авзойинг бузуқ кўринади?

- Э, менга яқин кела кўрма! Менимча, вужудим тўла пенициллин!

***

Бир чукча 9 қаватли уйнинг энг охирги қаватидан уй олди.

- Яшаш қалай? - сўрашди ундан.

- Тўққизинчи қаватга чиқиб-тушаверибман, оёқларим оғрияпти, - нолиди у.

- Лифт-чи, ишламаяптими?

- Ишлаяпти. Лекин у ерга «4 кишига мўлжалланган» деб ёзиб қўйибди-да. Қолган уч кишининг келишини кутиб ўтиришдан ёмони йўқ-да!

***

Қайиқда сузаётган чукчага қутқарувчилар дуч келди.

- Чукча, ёрдамга чақираётган одамни кўрмадингми?

- Йўқ.

- Агар кўрсанг, бизни чақиргин!

- Хўп, - деди-да, яна сузишда давом этди чукча. Сал ўтмай қараса, кимдир сувга чўкай деб, типирчилаб, ёрдамга чақираяпти.

- Ёрдам беринглар, қутқаринглар!..

Чукча эса олдига бориб:

- Яширин, сени излашаяпти, - дея унинг бошидан ушлаб қайта сувга чўктирди.

М.ДУСИЯРОВА таржимаси



- Мана бунаси чиройли экан-а.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

А.Маматқулов суратларидан фойдаланилди.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12396. Буюртма Г-0585. Бичими А-3.

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ

1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 19.00